

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил декабрь ойининг 26 куни, жиноят ишлари бўйича Музработ туман суди ўз биносида очик суд мажлисини ўтказиб, раислик қилувчи И.Шайманов, Халқ маслаҳатчилари Х.Исмоилов ва Б.Холиқовлардан иборат ҳайъатида, судья ёрдамчиси Д.Шерановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Музработ туман прокурори ёрдамчиси Ш.Шомуротов, судланувчи С.Кенжаев ва унинг ҳимоячиси “Kuch adolatda” адвокатлик бюроси адвокати З.Осонованинг иштирокида, жабрланувчининг қонуний вакили М.Исломова иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в, ж” бандлари билан айбланиб судга берилган Кенжаев Сафарали Исломовичга оид жиноят ишини кўрди.

### И ш ҳ у ж ж а т л а р и г а к ў р а:

Кенжаев Сафарали Исломович (Kenjayev Safarali Islomovich) – 1969 йил 21 апрелда Сурхондарё вилояти, Музработ туманида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматида муҳтож эмас, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам, 1) Сурхондарё вилоят судининг 1994 йил 4 март кундаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 125-моддаси 3-қисми Музработ туман судининг 1998 йил 5 июндаги ҳукмига, 114-моддаси 3-қисми билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жазонинг ўталмаган 1 йил 25 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

2) Музработ туман судининг 1998 йил 5 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “а” банди 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 60 моддасига асосан илгари ҳукм юзасидан ўталмай қолган 10 ой 2 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 10 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони ўтаб чиққан, судланганлик ҳолати тугалланган, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, вақтинча ишсиз, Музработ тумани, “Орият” маҳалласида яшаган, ушбу иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида 2023 йил 30 августдан буён қамоқда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган, ўз сўзидан соғлиги яхши судга савол жавоб қилади.



Суд хайъати, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, томонларнинг музокара нутқларини ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

С.Кенжаев Бозорова Сановар Турсиновна билан 1990 йилда турмуш қуриб, у билан Музработ тумани “Орият” маҳалласида яшаб келиб, турмуши давомида уч нафар фарзандли бўлишганига қарамасдан, тушмуш ўртоғи С.Бозорова унга хиёнат қилиб, у билан эр-хотинлик муносабатларига киришмай қўйганлигидан ғзабланиб, уни беҳуш ҳолатга келтириб, ўта шафқатсизлик кўринишда унга қаттиқ азоб-укубат етказиб, қасддан ўлдиришни режалаштириб, ўзининг қасос олиш режасини тузиб, режага асосан турмуш ўртоғи С.Бозоровани уйда ёлғиз қолишини кутиб, 2023 йил 29 август куни Музработ тумани “Орият” маҳалласидаги уйда у билан бирга яшовчи ўғли С.Исломов Россия Федерациясига ишга кетганлиги, келини Д.Мураталиева онасининг уйига кетганлиги ва қизи С.Исломова шу куни эрталаб соат 05:00ларда Термиз шаҳрига кетганлигини билиб, уйда турмуш ўртоғи С.Бозорова ва ундан бошқа ҳеч ким қолмаганлига ишонч ҳосил қилиб, фуқаро С.Бозорова яшаш хонадонинг ёзги ошхонасида тандирга ўт ёқаётган вақтида уни қасддан ўлдириш жинойий режасини амалга ошириш мақсадида, унинг ёнига келиб, С.Бозоровадан жинсий яқинлик қилиши ҳақида яна бир марта сўраб, ундан рад жавобини олганидан сўнг, унинг кўкрак қафасига қўлининг мушти билан уриб, уни ўзини ўзи ҳимоя қилаолмайдиган даражага келтириб қўйиб, ўта шафқастсизлик билан уни ёниб турган тандирга тириклайин ташлаб юбориб, тандирнинг ичига ўтин ва ёниши мумкин бўлган бошқа ашёларни ташлаб, ташқарига чиқиб, мазкур жинойий режаси охиригача амалга ошириш мақсадида ошхонанинг эшигини ёпиб қўйиб, фуқаро С.Бозоровани қасддан ўлдирган.

Суд тиббий экспертизасининг 2023 йил 29 августдаги 31-сонли мурда экспертиза хулосасига кўра, С.Бозорованинг мурдаси танасида яъни бош, юз, бўйин, кўкрак қафаси барча юзаси, қорин, бел, иккала думба, жинсий аъзолари, оралик соха, иккала қўл ва оёқлар соҳасида 3-В ва 4-даражали тана юзасининг 100 % термик куйган яралари каби тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, улар юқори ҳарорат яъни аланга таъсирида етказилганлиги ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича “Ҳаёт учун хавфли бўлган оғир” тан жароҳатлари бўлиб унинг ўлими сабаби билан бевосита боғлиқлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи С.Кенжаев айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2023 йил 29 август куни эрталаб соат тахминан 05:00 лар атрофида уйғонганлигини, шу вақтда қизи Исломова Сабрина Термиз шаҳрида жойлашган “ИНДЕНУМ” тикувчилик цехига ишлаш учун яшаш уйидан бир ўзи чиқиб кетганлигини кўрганлигини, лекин уйғонган жойидан тургани йўқлигини, бу вақтда яшаш уйида у ва турмуш ўртоғи Бозорова Сановар Турсиновна қолганлигини, шундан сўнг, соат тахминан 06:00 лар атрофида



ётган жойидан туриб ҳовлига чиққанлигини, ҳовлида турмуш ўртоғи С.Бозорова ҳовлига сув сепиб, супириб юрганлигини кўрганлигини, сўнгра ҳожатхонага бориб қайтиб келаётган вақтида турмуш ўртоғи С.Бозорова кўлидаги челаққа сув олиб ювиниш хонасига кириб кетганлигини, сўнгра ташқарида жойлашган тандир ўчоқ ўрнатилган хонага кириб кетганлигини, у эса унинг орқасидан кириб бориб, турмуш ўртоғи С.Бозоровага у билан жинсий алоқа қилиш истаги борлигини айтганида, турмуш ўртоғи С.Бозорова таклифини рад қилиб, “Сиз билан бошқа яшамайман, ажрашаман, Сиз билан ўлсам ҳам жинсий алоқа қилмайман” деб жавоб берганлигини, сўнгра унинг жавобидан жаҳли чиқиб, шу жойнинг ўзида, унинг юрак қисмига ўнг кўлининг мушт қисми билан кучли зарба урганлигини ва С.Бозорова шу жойнинг ўзида хушидан кетиб йиқилганлигини, турмуш ўртоғи С.Бозорованинг юраги илгаридан хасталигини билганлиги учун унинг юрак қисмига кучли зарба берганлигини, турмуш ўртоғи С.Бозоровани урушидан олдинроқ у тандирга эски кийимларини ташлаб ёқиб турганлигини кўрганлигини, турмуш ўртоғи С.Бозоровани ўлдириш мақсади борлиги учун унинг хушсиз ётганлигидан фойдаланиб, ёниб турган тандирнинг ичига бош қисми билан ташлаб юборганлигини, турмуш ўртоғи С.Бозоровани ёниб турган тандир ичига ташлаган вақтида ҳам бирон маротаба қимирлагани ёки бақиргани йўқлигини, бу вақтда олов паст ёнаётганлиги учун шу ерда турган ғўзапоя ўтинини ва баклашкаларни олов ичига ташлаганлигини, олов кучли ёнганидан сўнг ташқарига чиққанлигини, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, тандир ўчоқ ўрнатилган хонанинг эшигини илдириб қўйганлигини, келини Муроталиева Дилфуза 2023 йил 28 август куни туман марказида яшовчи онаси Кенжаева Дилоромнинг яшаш уйига кетганлиги, унинг яшаш уйга қачон қайтишини билиш мақсадида, кўшни Нозиманинг ёнига борганлигини, келинига кўнғирок қилиб бер деб айтганлигини, Нозима эса “келингизни телефон рақами менда йўқ” деб айтганидан сўнг уйга қайтганлигини, сўнгра ошхонага кирганлигини, ўзи ичиши учун чой қайнатганлигини, сўнгра ошхона ичида турган чойнакка чой қуйиб ташқари ҳовлига чиқиб, уйда ишлаётган усталарни кутиб ўтирганлигини, соат тахминан 08:00 лар атрофида “Орият” маҳалласида яшовчи Қудрат у билан уч нафар усталар яшаш уйига келганлигини, шундан сўнг Қудрат “уйингизда нимадир ёнаядими, латтанинг ҳиди келаяпти” деб сўраганлигини, у эса турмуш ўртоғи С.Бозорова эски латталарни тандир ичига солиб ёққан бўлиши мумкин” деб жавоб берганлигини, сўнгра келинини яшаш уйига қачон келишини билиш мақсадида “Орият” маҳалласида яшовчи опаси “Кенжаева Дилором”нинг яшаш уйига борганлигини, борган вақтида опаси Кенжаева Дилоромнинг яшаш уйида келини Насиба борлигини, ундан келини Муроталиева Дилфузани сўраганида, туман марказидаги уйига кетганлигини айтганлигини, шундан сўнг яшаш уйига қайтиб келганлигини, сўнгра ҳовлида усталар билан ўтирган вақтида “Орият” маҳалласида яшовчи “Чоршанби” исмли таниши уйига келиб, “Санжар Занг канали бўйида сув насос ўрнатиш учун чақираяпти, борасизми” деб сўраганлигини, у эса бораман деб айтганлигини, сўнгра Чоршанби яшаш уйига кетганлигини, у яшаш уйига кириб, ўзининг фуқаролик (загран) паспортини ва кийимларини олиб, “Занг” канали бўйига қараб кетганлигини, борган вақтида у ерда Санжар, икки нафар



электрик борлигини кўрганлигини, сўнгра улар билан сув насоснинг эски турбаларни қазиб олиб, янги турбалар кўмиш ишларини бажарганлигини, орадан бир, икки соат вақт ўтгач профилактика инспектори “Тўлқин” у ишлаб турган жойга келганлигини, уни яшаш уйига олиб кетганлигини, турмуш ўртоғи С.Бозорова билан тахминан 2022 йил Россия Федерациясидан ишдан қайтиб яшаш уйига келганидан ҳозирги кунга қадар ўзаро жанжаллашиб келишини, жанжалнинг асосий сабаби Россия давлатидан келган вақтида турмуш ўртоғи С.Бозоровадан “нима сабабдан менга ҳиёнат қиляпсан” деб бир неча маротаба сўраганида, “Сиз билан бошқа яшамайман, ажрашаман” деб жавоб берганлигини, турмуш ўртоғи С.Бозоровадан “нима сабабдан яшамайсан, нима камчилигинг бор, мен жўнатган пуллар қани” деб сўраганида, у шу маҳаллада яшовчи Чори исмли шахс билан танишганлигини, у билан яшаш истаги борлигини, жўнатган пулларини ўзининг этиёжлари учун ишлатиб юборганлигини айтганлигини, С.Бозорованинг тана қисмига яъни чап томон юрак қисмига ўнг қўли билан қаттиқ зарба берганлигини, зарба берган вақтида у ерга йиқилганлигини, хушидан кетганлигини, турмуш ўртоғи С.Бозорованинг тана қисмига нима жароҳат етказилганлигини, ерга йиқилганидан сўнг, турмуш ўртоғи С.Бозоровани ёниб турган тандир ичига ташлаб юборганлигини, унинг аниқ ўлишини билиб, қочиб кетиш мақсадида яшаш уйдан ўзига тегишли бўлган фуқаролик (загран) паспортини олиб чиққанлигини, аммо ёнида пули бўлмаганлиги сабабли қочиб кетолмаганлигини, уйдан пул ёки бошқа бир қимматликлар олиб кетмаганлигини, турмуш ўртоғи С.Бозоровани унга нисбатан қилиб келган ҳиёнатини кечиролмаслигини, шу сабабли 2023 йил 29 август куни уни қасддан уриб ўлдирганлигини, ёниб турган тандирнинг ичига ташлаб юборганлигини, у ва турмуш ўртоғи ўртасида пул ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ жанжал бўлмаганлигини, ҳозирги кунда содир этган жиноятининг оқибатларини тўла англаб етганлиги, қилмишидан пушаймонлиги, ушбу ножўя ҳаракатлари ва жинояти учун фарзандларидан, турмуш ўртоғи С.Бозорованинг яқинларидан кечирим сўрашлиги, ўзига нисбатан қонунда белгиланган енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судда сўроқ қилинган жабрланувчининг қонуний вакили М.Исломова суд мажлисида кўрсатувида, жабрланувчи марҳума С.Бозорова онаси бўлишини, судланувчи С.Кенжаев отаси бўлишлиги, Музработ тумани “Янги ер” маҳалласида турмуш ўртоғи ва оила азолари билан бирга рўйхатда туриб истиқомат қилиб келишини, 2013 йил “Янги ер” маҳалласида яшовчи Тошбоев Муродга турмушга чиққанлигини, онаси билан ҳафтада бир марта телефон орқали гаплашиб туришини, бир ойда бир икки марта бориб кўриб туришини, отаси С.Кенжаев онаси С.Бозорова билан олдиндан тез-тез жанлашиб туришини, сабаби отаси С.Кенжаев кўп спиртли ичимлик ичиб келиб онаси С.Бозоровани уриб кун бермаслигини, ёшлигидан кўп қийналганлигини, отаси судланиб қамалиб келгандан сўнг, Россия Федерациясига ишлаб пул топиш мақсадида кетиб ўша ёқда уйланиб кетганлигини эшитганлигини, уйда отаси бўлмаганида, онаси уларга қараганлигини, отаси С.Кенжаев охириги марта 2022 йил июнь ойида Россия Федерациясига бориб келганлигини, ўша вақтдан буён уйга ичиб келиб, онаси билан ўзаро оилавий жанжаллашиб келганлигини, охириги марта 2023 йил 27 август куни эрталаб соат тахминан 09:00 ларда онаси



билан телефон орқали онасидан маҳалласидаги тикувчига кийим берганида, ўша нима бўлди деб сўраганлигини, онаси хали тайёр бўлмаса керак деб телефон аппаратини ўчириб қўйганлигини, 2023 йил 29 август куни яшаш уйида, уй ишлари билан юрган вақтида, акаси Исломов Саидали соат тахминан 15:30ларда Россиядан телефон қилиб, тез уйга боришини айтганлигини, нима сабабдан уйга боришини сўраганида, онаси эрталабдан буён телефонини кўтармаётганлигини, онаси уйда йўқлигини айтганлигини, шундан сўнг онасини яшаш уйига шошилиб борганида, туман ИИБ ходимлари тўпланиб туришганлигини кўрганлигини, кейинчалик отаси С.Кенжаевнинг онаси С.Бозоровни тириклайин ёниб турган тандирга ташлаб ёиб юборганлигини билганлигини, онаси ёниб бир мунча гўшт бўлиб қолганлигини, отаси С.Кенжаев онасига азоб бериб ўта шафқатсизларча ўлдирганлигини, илгари ҳам иккаласи уришиб қолишлигини, отаси С.Кенжаев доимий равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб келишини, онаси С.Бозорованинг Ч.Хоннаев билан яқин муносабатда бўлганлигини эшитганлиги, судланувчи С.Кенжаевга нисбатан даъвоси борлигини, агар унга хиёнат қилган тақдирда ҳам уни бундай қилиб ўлдирмаслиги кераклигини, шу сабабли С.Кенжаевга нисбатан қонуний жазо чорасини қўлланишни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Исломова Сабрина Сафарали қизи суд мажлисида, 2023 йил 29 август эрталабки соат тахминан 05:30 ларда “Инденим зиф текстил” номли МЧЖнинг автобусида ишга кетганлигини, ўша пайти уйда отаси Сафарали, онаси Сановарлар бўлганлигини, янгаси бир кун олдин оналариникига кетганлигини, ишга чиқиб кетаётганида, уйда ҳамма ухлаб ётганлигини, бир онаси Сановар ишга кетаётганида уни кузатиб юборганлигини, шундан сўнг ушбу куни кун бўйи ишда ўз ишлари билан машғул бўлганлигини, ишдан соат 18:00 ларда автобусда қайтаётганида, туман марказига яқин масофа қолганида автобусни тўхтатишиб, уни туман ИИБ ходимлари автобусдан тушуриб, туман ИИБ идорасига олиб келишганлигини, шундан сўнг, унга бўлиб ўтган воқеа айтиб беришганлигини, онаси Бозорова Сановарни яшаш уйида отаси Сафарали ўлдирганлигини айтишганлигини, отаси С.Кенжаев 28 август куни онаси С.Бозорова билан уришмаганлигини, лекин илгари уришганларида онасига “Сени ўлдираман” деб таҳдид қилганини билишини, бир кун олдин спиртли ичимлик истеъмол қилиб келганлиги, ота-онаси уйида кўп жанжал қилишлиги, отаси С.Кенжаев спиртли ичимликка ружу қўйганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Менглиев Муҳаммаддодуд Жўрақулович суд мажлисида, 2023 йил 29 август куни соат 08:00ларда ишлаш мақсадида фуқаро С.Кенжаевнинг яшаш хонадонига борганлигини, у ерга борганида, уйда фақат С.Кенжаевни ўзини кўрганлигини, С.Кенжаев ҳовлисида тинмасдан бориб келиб турганлигини, ўша вақтда тандирхонадан куйган бадбуй хид келаётганлигини, шунда у турмуш ўртоғи С.Бозорова эски кийимларни ёқиб юборганлигини айтганлигини, шундан кейин ошхонанинг эшигини қулфлаб, калитини у билан ишовчи Қудрат акага бериб, тушликка ўзларинг бирор нима қилиб ейсизлар” деб айтиб, ўзи ишлаш учун кетганлигини, уларга ҳеч ким тушлик қилиб бермаганлиги учун тушликни уйларига бориб қилиб келишганлигини, соат 14:30ларда С.Кенжаевнинг келини Д.Муроталиева уйга келганлигини,



келини Муроталиева Дилфуза келган вақтида улардан қандайдир куйган бадбуй ҳид келаётганлигини сўраганлигини, улар унга “Сафар ака эрталаб тандирга нимадир ёққанганлигини” айтишганлигини, ўша пайтда қайнонаси С.Бозоровани уйда-уйдамаслигини сўраганлигини, улар С.Бозоровани кўрмаганлигини билдирганлигини, шунда у “Сизлар кетмай турунглр, мен кўрқаман, тандирхонани бориб кўриб беринглр” деб сўраганлигини, шунда улар тандирга бориб қараганида, тандирда қора кундага ўхшаш нарсани кўрганлигини, ташқарига чиққанлигини шундан кейин келини Муроталиева Дилфуза профилактика инспекторига хабар берганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Хоннаев Қудрат Холтўраевич суд мажлисида ўз кўрсатувида гувоҳ М.Менглиевнинг кўрсатувида ўхшаш кўрсатув берди.

Гувоҳ Сафаров Тўлқин Рўзиқулович суд мажлисида, 2010 йил сентябрь ойидан ҳозирги кунга қадар Музработ туман ИИБ ЖХХ ХПБ профилактика катта инспектори лавозимида ишлаб келишини, 2023 йил март ойидан Музработ туман “Орият” МФЙ бириктирилганлигини, 2023 йил 29 август куни соат тахминан 14-00 ларда хизмат хонасида ўтирган вақтида фуқаро С.Бозорованинг келини Д.Муроталиева унга телефон қилиб, кеча онасининг яшаш уйига кетганлигини, онасининг уйдан тахминан ярим соатлар олдин келганлигини, уйга кетганида уйда ҳеч ким йўқлигини, ёзги ошхонада ўрнатилган тандирда нимадир ёнаётганлигини, уйга келиб тандирни кўришини сўраганлигини, шундан сўнг, маҳалла раиси В.Шаниязов “Орият” маҳалласи, Шукрона кўчаси 17-уйга етиб борганлигини, ушбу хонадонга борган вақтида уйда Д.Муроталиеванинг бир ўзи турганлигини, ундан тандир қаерда жойлашганини сўраганлигини, шунда Д.Муроталиева унга ёзги ошхонада жойлашган тандирни кўрсатганлигини, тандирни ёнига бориб ичига қараганида суяк қолдиқларига кўзи тушганлигини, шундан сўнг, ҳолат ҳақида туман ИИБ бошлиғи Ш.Нармуратовга, туман ИИБ навбатчилик қисмига ва туман ИИБ бошлиғи ўринбосарларига телефон орқали хабар берганлигини, марҳума С.Бозорова “Орият” маҳалласи, Шукрона кўчаси, 17-уйда турмуш ўртоғи С.Кенжаев, келини Д.Муроталиева, қизи С.Исломовалар билан бирга яшаб келганлигини, С.Бозорованинг уч нафар фарзанди бўлиб, ўғли С.Исломов ишлаш учун Россия Федерациясига кетган, катта қизи М.Исломова турмушга чиқиб кетганлигини, марҳума С.Бозорова ҳеч қаерда ишламаслигини, турмуш ўртоғи С.Кенжаев ёлланма ишларда ишлаб устачилик қилиб юришлигини, қизи С.Исломова ўша вақтда Термиз шаҳрида тикувчилик ишларига қатнашиб ишлаб юрганлигини, келини Д.Муроталиева ҳам уй бекаси бўлиб, ҳеч қаерда ишламаганлигини, 2023 йил 29 августда “Орият” маҳалласи, Шукрона кўчаси 17-уйга ўзи билан бирга маҳалла раиси В.Шаниязов етиб борганида, марҳума С.Бозорованинг келини Д.Муроталиева кеча онасининг яшаш уйига кетганлигини, онасининг уйдан тахминан ярим соатлар олдин келганлигини, уйга кетганида уйда ҳеч ким йўқлигини, ёзги ошхонада ўрнатилган тандирда нимадир ёнаётганлигини, уйга келиб тандирни кўришини айтганлигини, ўша уйда бўлган вақтида уйда ишлаган икки нафар усталар уйга келишганлигини, улардан ўша куни бирор-бир ҳолатни кўрганликлари ҳақида сўраганида, улар ҳеч нарсани кўришмаганлигини, эрталаб марҳума С.Бозорованинг турмуш ўртоғи С.Кенжаев уйда бўлганлигини, уларга чой дамлаб бериб ишга



кетганлигини, ошхонадаги тандирдан тутун чиқиб турганлигини айтишганлигини, мархума С.Бозорова ва турмуш ўртоғи С.Кенжаевларнинг ўзаро келишмовчилик натижасида бир неча бор жанжал қилганликлари сабабли ушбу оила нотинч оилалар рўйхатиغا олинганлигини, С.Бозорованинг турмуш ўртоғи С.Кенжаев спиртли ичимликлар ичишга ружу қўйганлигини, уларнинг оиласидан доимий равишда хабар олиб турганлигини, ушбу оила нотинч оилалар рўйхатида турганлиги сабабли, 2023 йил 7 августда низоли оиллага “Хавфсиз маҳалла” яратиш бўйича қўшма қарор талабларидан келиб чиқиб хулоса берганлигини, бундан ташқари, мархума С.Бозорова 2023 йил 8 августда турмуш ўртоғи С.Кенжаевнинг доимий равишда спиртли ичимликларга ружу қўйганлиги сабабли мажбурий даволатиш учун амалий ёрдам сўраб туман ИИБга қилган мурожаати юзасидан 2023 йил 8 августда Термиз наркология диспансерига, 2023 йил 9 августда Сариосиё тумани, Шарғун шаҳарчасида жойлашган мажбурий даволаниш марказига ётиб даволаниш учун қарор тайинлаганлигини, С.Кенжаев 2022 йилда ишлаш учун Тошкент шаҳрига кетганлиги, Тошкент шаҳрида ҳам ишлаб юрган вақтларига бир қатор ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун суд томонидан жавобгарликка тортилганлиги, С.Кенжаев 2023 йил июль ойида Музработ туманига қайтиб келганидан сўнг, ушбу фуқарони профилактик ҳисобга олганлигини ва унга нисбатан яқка тартибда профилактик ҳисоб иши юритганлигини, ушбу фуқарони профилактик ҳисобга олганидан кейин бирор маротаба ҳам турмуш ўртоғи С.Бозорованинг жонига қасд қилишга ҳаракат қилмаганлигини, мархума С.Бозорова бирор маротаба турмуш ўртоғи С.Кенжаев уни жонига қасд қилмоқчи бўлганидан шикоят қилиб мурожаат қилмаганлигини, мархума С.Бозорова фақатгина турмуш ўртоғи спиртли ичимликлар ичишга ружу қўйганлигидан шикоят қилиб уни даволатишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ тариқасида сўралган Хоннаев Чори Шомуротович ўз кўрсатувида, С.Кенжаев билан тахминан 2000 йилдан буён қўшни бўлиб яшаб келишини, С.Кенжаевнинг уч нафар фарзанди борлигини, С.Кенжаевнинг турмуш ўртоғи С.Бозорова билан тахминан 2000 йилардан буён ишқий муносабатни бошлаганлигини, шу вақтлар қўшни С.Кенжаев жиноий жавобгарликка тортилиб қамоқ жазосини ўтаётганлигини, шу вақтлар С.Бозорова қўшни бўлиб тургани учун уни уйига келиб кетиб-юрганлигини, унга буғдой, молларига хашак, ғўзапоя ўтинлар бериб қарашиб турганлигини, чунки эри С.Кенжаев қамоқдан келгандан сўнг Россияга, Тошкентга кетиб қолганлигини, С.Бозорова билан эри С.Кенжаев Сафарнинг оилавий жанжали бўлганлигини, 2021 йилдан буён қўшниси С.Кенжаев Россия давлатига бормай қўйганлигини, 2023 йил 25 август куни соат тахминан 10:30 ларда қўшниси С.Бозорова унга телефон қилиб кураётган уйига уста топиб беришни илтимос қилганлигини, шунда С.Бозоровага маҳалласида қурилиш ишлари билан шуғулланиб юрадиган уста болаларни телефон рақамини ва уй манзилларини берганлигини, С.Бозорова билан унинг +998938232471 қул телефонига узининг +998993832606 номеридан телефон қилиб гаплашиб юришини, охириги марта 2023 йил 28 август куни Бозорова Санобар унга соат 16:02 ларда телефон қилиб, усталар ишни тугатмасдан туриб, олдиндан хизмат пули сўраётганлигини, пулни берса ишни



тугатмай кетиб қолмасмикан деб сўраганлигини, шунда унга усталар ҳаммаси ўзини махалладан иш тугатмаган бўлса камроқ бер пулларни деб айтганлигини, шунда С.Бозорова банкка кетяпман пул олиш учун деб айтганлигини, С.Бозорова билан икки йилдан бери яқин муносабатда булиб юришини, С.Бозорова “турмуш ўртоғим мен билан яшамаяпти, бирга ётиш туриш қилмаймиз, у бошқа хотин олган” дегани учун у билан бирга ишқий муносабатда булиб юрганлигини, ҳар куни телефонда гаплашиб турганлигини, турмуш уртоғи С.Кенжаевни алиментга берганман деб айтганлигини, бир уйда яшасада бир-бири билан алоқаси йўқлигини айтгани учун Бозорова Санобар билан ишқий муносабатда бўлганлигини, охириги марта август ойининг бошларида (санаси аниқ эсида йўқлиги) С.Бозорова билан Музробот тумани “Занг” каналининг Шеробод тумани томонида одамлар йўқ жойда далада бирга бориб жинсий аълоқа қилганлигини, ундан кейин бир неча марта автомашинасига миндириб дўконга, қурилиш қилаётгани сабабли қурилиш моллари олиш учун қурилиш моллари дўконига олиб борганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи С.Кенжаевнинг айби судда ўз айбига тўлиқ иқрорлик ва пушаймонлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, судда сўралган жабрланувчининг қонуний вакили М.Исломова, гувоҳлар М.Менглиев, С.Исломова, Қ.Хоннаев, Т.Сафаров, Ч.Хоннаевнинг кўрсатувлари, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва чизмаси, ҳодиса жойининг расмлари ва кўздан кечириш жараёни, мурдани кўздан кечириш баённомаси ва расмлари, суд тиббий экспертиза хулосаси, судга оид-криминалистика, суд-биология ва бошқа экспертизаларнинг хулосалари, кийимларни кўздан кечириш баённомаси, иш бўйича олинган далилий ашёлар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан исботланган.

Суд ҳайъати, судланувчи С.Кенжаевга дастлабки тергов органи томонидан қўйилган айбловни муҳокама қилиб, унинг турмуш ўртоғи С.Бозоровани кўкрак қафасига кўлининг мушти билан қасддан уриб, уни ўзини ўзи ҳимоя қилаолмайдиган даражага яъни, беҳуш ҳолатга келтириб, унга қаттиқ азоб етказиш билан боғлиқ ҳолатда ёниб турган тардирга уни тириклайин ташлаб юбориб, тандир ичига ўтин ва ёниши мумкин бўлган бошқа ашёларни ташлаб ўта шафқатсизсизлик билан ўлдирганликдаги ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в,ж” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 8-бандида, айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди билан квалификация қилишда, ожиз аҳвол, деб жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан (жисмоний нуқсонлари, руҳияти бузилганлиги, жуда ёш ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки **беҳуш ҳолатда** ёхуд уйқуда бўлганлиги, алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа кучли таъсир қилувчи моддалар таъсирида оғир даражада мастлиги туфайли) ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг





хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши кераклиги, бунда айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шартлиги;

Қарорнинг 12-бандида, қасддан одам ўлдириш жиноятини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «ж» банди билан квалификация қилишда айбдорнинг қасди ўта шафқатсизлик билан одам ўлдиришга қаратилган бўлганлигини аниқлаш шартлиги, ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш усуллариغا, жумладан, ҳаётдан маҳрум этишдан олдин ёки қотиллик содир этиш жараёнида жабрланувчини қийноққа солиш ёки унга қаттиқ азоб етказиш билан боғлиқ, (кучли оғриқ берувчи заҳардан фойдаланиш, тириклайин ёқиб юбориш, узоқ муддат овқат, сув бермаслик) ҳолларни ҳам киритиш мумкинлиги, баданга кўплаб шикаст етказиш орқали одам ўлдириш, фақат айбдор буни жабрланувчига қаттиқ азоб-уқубат етказишга қаратилган тўғри қасд билан содир этган бўлса, ўта шафқатсизлик кўриниши, деб баҳоланиши, мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Жиноят иш материаллари ва ишдаги аниқланган ҳолатлардан кўринишича, С.Кенжаев турмуш ўртоғи С.Бозоровани хиёнат қилиб, у билан эр-хотинлик муносабатларига киришмай қўйганлигидан ғазабланиб, жинсий яқинлик қилишни рад қилганидан сўнг, онг турган пайтда унинг кўкрак қафасига кўлининг мушти билан уриб, уни беҳуш ҳолатга келтириб, ёниб турган тандирга тириклайин ташлаб юбориб, ўта шафқатсизлик кўринишда унга қаттиқ азоб-уқубат етказиб қасддан ўлдирган.

Жиноят иши бўйича тўпланган далиллар билан ҳам С.Кенжаевнинг шу мақсадда С.Бозоровани беҳуш ҳолатга келтириб, ёниб турган тандирга тириклайин ёқиб юбориш мақсадида ўта шафқатсизлик билан ўлдирганлиги тасдиқланган.

Суд ҳайъати, судланувчи С.Кенжаевга жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлик ва пушаймонлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган жиноятининг оқибатларини тўла англаб етганлигини, шахсий, оилавий аҳволини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, биринчи бор судланаётганлиги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этишни, жиноятни ғаразли бошқача паст ниятларда содир этганлигини, жиноят натижасида оғир оқитбатлар келиб чиққанлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 24-моддасига, мувофиқ яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи бўлиб, унга тажовуз қилиш энг оғир жиноятдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 26-моддаси 2-қисмида, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинлаш



зарурлиги, ушбу кодекснинг 8-моддасида шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши белгиланган.

Ушбу Кодекснинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойи фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

Жиноят кодексининг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2004 йил 24-сентябрдаги 13-сонли қарорининг 27-бандида, қасддан одам ўлдириш учун жазо тайинлашда ушбу жиноят содир этилишидаги барча ҳолатлар; қасд тури, қотиллик сабаблари, мақсади, усули, жиноят содир этилган вазият ва жиноят босқичи, шунингдек, айбдорнинг шахси, унинг ўз қилмишига муносабати, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар эътиборга олиниши зарурлиги ҳақида;

Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи Кенжаев Сафарали Исломовичга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлик ва пушаймонлик билдириб, қилмишдан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган жиноятнинг оқибатларини тўла англаб етганлигини, шахсий, оилавий аҳволини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни ғаразли ва бошқача паст ниятларда содир этганлигини оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига амал қилган ҳолда айбланаётган модда санкция доирасида қилмишига мувофиқ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлашликни, жазонинг дастлабки 3 (уч) йилини турмага қамаш тариқасида, қолган қисмини умумий тартибли колонияларда ўташ белгилашликни лозим топади.



Суд ҳайъати, иш юзасидан ашёвий далил сифатида С.Кенжаевдан олинган бир дона бош кийим, бир дона кўйлак, бир дона трекосини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилишни;

иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган икки дона “DVD-R” форматдаги компакт дискларни жиноят иши материаллари билан бирга қўшиб сақлашликни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 298, 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473, 497<sup>1</sup>, 497<sup>4</sup>-моддаларига асосланиб, суд ҳайъати

ҳ у к м қ и л а д и:

Кенжаев Сафарали Исломович (Kenjayev Safarali Islomovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисми “в”, “ж” бандлари билан айбли деб топилсин.

Кенжаев Сафарали Исломовичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 97-моддаси 2-қисми “в”, “ж” бандлари билан 19 (ўн тўққиз) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазонинг дастлабки 3 (уч) йилини турмага қамаш тариқасида, қолган қисмини умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 30 август кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Кенжаев Сафарали Исломовичга нисбатан қўлланилган “қамоқ” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Иш юзасидан ашёвий далил сифатида С.Кенжаевдан олинган бир дона бош кийим, бир дона кўйлак, бир дона трекоси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган икки дона “DVD-R” форматдаги компакт диск жиноят иши материаллари билан бирга қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 20 (йигирма) сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

И.Шайманов

Халқ маслаҳатчилари

Х.Исмоилов

Б.Холиқов

